

ТИНЧЛИК УЧУН КУРАШМОҚ КЕРАК!



Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида Қуролли Кучлар академияси ва Ўзбекистон мудофаасига кумаклашувчи “Ватанпарвар” ташкилоти Марказий кенгаши билан ҳамкорликда тадбир утказилди. Унда Ўзбекистон Республикаси Олий мажлиси Қонунчилик палатаси депутати Қодир Жураев, Адлия вазирлиги ҳузуридаги Юристар малакасини ошириш маркази кафедра бошлиги Бобоқул Тошев, шоир ва курсантлар, ҳарбий хизматчилар, талаба-ўқувчилар,

кутубхона фойдаланувчилари иштирок этди.

Давра суҳбатида сузга чиққанлар тарихимиз, юртимиз озодлиги учун олиб борилган курашлар, мамлакатимиз мудофаа қудратини мустаҳкамлаш, халқимизнинг тинч-осойишта ҳаётини, хавфсизлигини таъминлаш борасида амалга оширилаётган кенг қамровли изчил ислоҳотлар, унинг конституциявий принцип ва нормалари, ҳарбий хизмат нуфузи ҳақида атрофлича маълумотлар бердилар.

Шоир Тура Мирзо, ёш истеъдод соҳибаси Мунаввара Эркинова ўз қаламларига мансуб шеърлардан ўқиди.



Қуролли Кучлар Марказий ашула ва рақс ансамблининг концерти йиғилганларга кутаринки руҳ бағишлади.

Та д б и р д а “Тинчлик учун курашмоқ керак” номли ҳужжатли фильм намоиш қилинди.



ҲАРБИЙ СОҲАНИНГ РИВОЖЛАНИШ ТАРИХИ

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасининг нодир китоблар музейида “Шарқ ва Ғарбда қадимий қушин турлари” мавзусига бағишланган экспозиция намоиш этилмоқда. Музейдан урин олган тарихий манбалар – қушин турлари, Шарқ ва Ғарб мамлакатларида, асосан Европада ҳарбий соҳанинг ривожланиш тарихига оид айрим манбалар билан таништиради. Миллий кутубхонанинг қулёзмалар, нодир ва алоҳида қимматга эга нашрлар фондида сақланаётган, XVII-XX аср бошларига оид, тошбосма ва эски усулда нашр этилган элликка яқин манбалар – китоблар ва альбомлардан ташкил топган. Улар орасида “Ҳарбий архитектура”, “Қалъалар архитектураси”, “Артиллерия”, “Уруш ва артиллерия санъати”, “Ҳарбий стратегия”, “Ҳарбий отлиқлар”, “Отлиқ қушин тарихи”, “Ҳарбий санъат – пиёда қушин учун”, шунингдек, машҳур франциялик шарқшунос олим Луи-Матьё Лангле (1763-1824)нинг 1821 йилда нашр қилинган Альбомида Ҳиндистонда Бобурийлар армиясининг жанговор қурол-аслаҳаларидан намуналар келтирилган.

Намоиш этилаётган манбалар кутубхона фойдаланувчиларида, бу ерга келаётган турли касб эгаларида, ёшларда қизиқиш уйғотмоқда.

Кургазма намоиши январ ойининг охиригача давом этади.



Саҳифани Ҳасан Абдуназаров тайёрлади